

Қуръон кўргазмасида Қуръоннинг 51 тилга таржималари намойиш этилмоқда



11:00 / 11.05.2021 1419

Муборак Рамазон ойида Масжидул Набавийда бўлиб ўтаётган Қуръон кўргазмасида Қуръоннинг 51 тилга таржималари намойиш этилмоқда.



Музейлар ва кўргазмалар вазирининг ўринбосари Маҳер Ал-Заҳрони: «Кўргазма Рамазон ойининг бошида бошланган ва ой охиригача давом этади», дейди. — Ушбу кўргазмада Қуръони Каримнинг кўплаб таржималари намойиш этилади. Қуръон нусхасини керакли тилда мобил телефонга юклаб олиш мумкин. Кўргазманинг иккинчи қисмида ташриф буюрувчилар учун рақамли сумка мавжуд. Унда уламолар томонидан ёзилган Қуръон ва Исломий рақамли китоблар тўплами мавжуд. Шунингдек, ушбу бўлимда Қуръон дарси сифатида тақдим этилган 10 та китоб борлигини таъкидлади. Қуръон кўргазмаси эшитиш қобилияти паст бўлганлар учун сурдо таржима, кўзи ожизлар учун Брайл алифбосидаги Қуръонни тақдим этишни ўз ичига олади. Бу уларга кўргазма имкониятларидан максимал даражада фойдаланишда ёрдам беради. Кўргазманинг бир қисмида Аллоҳнинг уйи пардасини тўқиш жараёни ҳақида ҳужжатли фильм намойиш этилади. Унда ташриф буюрувчилар уйнинг пардасини ювиш билан бир қаторда тўқув ҳолати билан танишадилар.

Хуршид Маъруф тайёрлади